**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT STATISTIKA QO‘MITASINING QARORI**

20 21 у. «27» январь № 1

**Фермер хўжаликлари танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низомни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Статистика кенгашининг 2020 йил 6 ноябрда 02-/1-1721-сон йиғилиш баёни 2-иловаси билан тасдиқланган “Тадбиркорликка оид статистикани ривожлантириш бўйича тармоқ ишчи гуруҳининг 2020-2021 йиллар учун Ҳаракатлар режаси” 15.1-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Фермер хўжаликлари танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 28 сентябрдаги “Фермер хўжаликлари танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 32-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор тасдиқланган кундан кучга киради.

**Раис** **Б. Бегалов**